

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМУРАТОВ РУСТАМ ШАХАКИМОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

	C	
	pedagogical sciences	
	n	
	t	
Шамуратов Рустам Шахакимович	e	
Олий таълим муассасаларида стратегия бошқарув тизимини	n	
такомиллаштириш	t	3
	s	
Шамуратов Рустам Шахакимович		
Совершенствование системы стратегического управления в высших	e	
образовательных учреждениях	b	21
	s	
	t	
Shamuratov Rustam Shakhakimovich	r	
Improving strategic management system in higher education	n	
institutions.....	c	39
	t	
Эълон қилинган ишлар рўйхати	o	
Список опубликованных работ	f	
List of published works		46
	of philosophy (PhD) on	

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМУРАТОВ РУСТАМ ШАХАКИМОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2367 -рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Садиев Валижон Алижонович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.Н.Мамаражабова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

С.С.Булатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, муҳим фаолият сифатида тан олинган бўлиб, таълимни бошқариш жараёнини такомиллаштириш ва унинг сифатини баҳолаш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берадиган механизмлар амалиётга жорий этилмоқда. Таълим муассасалари томонидан раҳбар кадрларнинг олий таълим муассасасини инновацион бошқариш учун зарур компетенцияларини шакллантириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга оид амалий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича тегишли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жаҳондаги илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида бошқарув тизими раҳбарлари ҳамда ходимларнинг вазифалари билан мос келувчи стратегик менежементни ўзаро боғлаш, бошқарилаётган жараёнларнинг назарий асослари ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш, таълимнинг замонавий инновацион ривожланишини кузатиб бориш, мониторинг қилиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш, ташкилотнинг фаолиятидан манфаатдор бўлган томонлар муаммоларини ҳал қилишга имкон берадиган динамик мувозанатни ўрнатиш, муҳитни таҳлил қилиш, миссияларни ва мақсадларни белгилаш, стратегияни танлаб олиш ва амалга оширишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон Қарорида олий таълим тизимини сифатли бошқариш билан бир қаторда уни такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, замонавий ўқув-илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ҳамда 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги ПҚ–3755-сон “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 26 январда бўлиб ўтган видеоселекторда “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ҳақидаги нутқи ҳамда бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифа ва топшириқларнинг самарали ижросини таъминлашда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз таълим муассасаларини бошқаришнинг мазмуни, таълим муассасалари ва узлуксиз таълим тизими бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим тизими менежменти ва функционал менежментни интеграциялашга оид илмий тадқиқотлар У.Бегимкулов, У.Иноятов, Я.Исмадияров, Р.Ахлидинов, Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, Қ.Шодмонов, С.Тургунов, А.Хўжаев, М.Нигматов, В.Садиев, Р.Джураев, М.Юлдашев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Замонавий менежментнинг ривожланишида В.Веснин, О.Виханский, А.Гапоненко, Л.Зайцев, Т.Зуб, И.Мазур, Б.Мильнер, А.Панкрухин, С.Попов, А.Поршнева, А.Пригожий, Н.Саломатина, М.Соколова, Р.Фатхутдинов, М.Шифрин ва бошқаларнинг ишлари аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Олий таълим ташкилотларида стратегик бошқарув масалалари А.Егоршин, С.Резникнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган.

Олий таълим тизимида стратегик бошқарувнинг амалий ва назарий масалалари М.Альберт, И.Ансофф, Д.Шендель, Р.Дафт, П.Друкер, Р.Каплан, П.Нивен, Д.Нортон, Ф.Котлер, М.Мескон, А.Стрикленд, А.Томпсон, Д.Траут, Д.Хасси, Ф.Хедоури кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот режасининг ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида (ОТМ) стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОТМларнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига мос ҳолда таълим сифати бошқарувининг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

олий таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари ва давлат олий таълим муассасаларининг стратегик моделини такомиллаштириш;

тизимли ёндашувни кўзда тутувчи ОТМлари фаолиятини стратегик бошқарув тизимини лойиҳалаштириш алгоритмининг такомиллаштириш;

стратегик бошқарув тизими соҳасида тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш жараёни белгиланган бўлиб, Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университети ва Фарғона давлат университетининг 161 нафар профессор-ўқитувчиси ва 372 нафар талабаси иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, педагогик тажриба-синов, педагогик кузатув, сўровнома, тест, педагогик мониторинг, социометрик методлар ва математик статистика усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси стратегик бошқарув усуллари таълимда муддатли ҳаракатлар тизими, ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ҳамда субъектларнинг манфаатларига йўналтирилган ижодий салоҳиятни дидактик мақсад тамойилларига стратегик уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларини бошқариш модели ўзгармас-иерархик характердаги, ўқув фаолиятининг турлари, узоқ муддатли таълим натижаларига эришишга қаратилган мақсад, назарий асослар, даражалар, босқичлар, стратегик ташаббуслар ҳамда таълим самарадорлиги кўрсаткичларини ўзаро адаптив интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасасини стратегик бошқариш стейкхолдерларни баҳолаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатларни градациялаш ҳамда инновациялар ва ахборотлаштириш бўйича таълим жараёнини субъектларининг стратегик ташаббусларини босқичма-босқич киритиш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасасининг бошқарув жараёнлари алгоритми стратегик режалаштириш, инсон ресурслари ҳамда маркетинг ва молиявий инфратузилмани ташқи ва ички стратегик фаолиятини баҳолаш индикаторини узлуксиз ва динамик равишда киритиб бориш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларининг бошқарув тизимида менежерлик кўникмаларини ривожлантиришда теран, соғлом ва ижодий муҳитни яратиш,

умуммиллий компетенция ва билимларни шакллантириш, касбий маҳоратни ошириш бўйича машғулотлар сингдирилган;

тизимни бошқаришда ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда илғор ва замонавий усулларни қўллаш, ижодий ёндашувлар, ижодкорлик муҳитини яратиш, таълим сифатини ошириш асосида ташкилий-бошқарув механизмлари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратиш жараёнлари самарадорлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланиш давомида қўлланган ёндашув ва методлар, республикамиз ҳамда хорижда яратилган илмий ва илмий-методик тадқиқотлар, амалиётчи ўқитувчиларнинг тажрибасига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган методларнинг қўллангани, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик статистика методлари ёрдамида қайта ишлангани, тадқиқот натижаларининг амалиёт билан боғланганлиги ҳамда тегишли давлат идоралари томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш, уни мазмун ва сифат жиҳатдан замон талабларига мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатамизда “Инновацион менежмент”, “Менежмент”, “Ходимларни бошқариш”, “Стратегик менежмент” фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, бошқарув масалаларининг ҳал қилинишига ва бунда бир вақтнинг ўзида олий таълим муассасасининг мувозанатлашган кўрсаткичлари тизимини шакллантиришга имкон яратади. Тадқиқот ишидаги тегишли тавсия ва таклифлар стратегик бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш учун қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасаси стратегик бошқарув усуллари таълимда муддатли ҳаракатлар тизими, ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ҳамда субъектларнинг манфаатларига йўналтирилган ижодий салоҳиятни дидактик мақсад тамойилларига стратегик уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Инновацион менежмент” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи асосида берилган 359-287 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, ҳозирги замон талаблари асосида

давлат сиёсатининг асосий йўналишларига мос таълим сифати бошқарувининг педагогик имкониятларини таҳлил қилишга эришилган;

олий таълим муассасаларини бошқариш модели ўзгармас-иерархик характердаги, ўқув фаолиятининг турлари, узоқ муддатли таълим натижаларига эришишга қаратилган мақсад, назарий асослар, даражалар, босқичлар, стратегик ташаббуслар ҳамда таълим самарадорлиги кўрсаткичларини ўзаро адаптив интеграциялаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар “Инновацион менежмент” номли ўқув қўлланма яратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи асосида берилган 359-287 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, таълим ташкилотларининг бошқариш тизимининг ривожлантириш тенденциялари ва давлат олий таълим муассасаларининг стратегик моделини такомиллаштириш имконияти яратилган;

олий таълим муассасасини стратегик бошқариш стейкхолдерларни баҳолаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатларни грациялаш ҳамда инновациялар ва ахборотлаштириш бўйича таълим жараёнини субъектларининг стратегик ташаббусларини босқичма-босқич киритиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 16 июндаги 02-071629/04 рақамли далолатномаси). Натижада, олий таълим муассасалари иш фаолиятида тизимли ёндашувни кўзда тутувчи ҳамда стратегик бошқариш тизимини лойиҳалаштириш алгоритминини янада ривожлантиришга имкониятлар яратилган;

олий таълим муассасасининг бошқарув жараёнлари алгоритми стратегик режалаштириш, инсон ресурслари ҳамда маркетинг ва молиявий инфратузилмани ташқи ва ички стратегик фаолиятини баҳолаш индикаторини узлуксиз ва динамик равишда киритиб бориш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Инновацион менежмент” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи асосида берилган 359-287 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, олий таълим муассасасининг мувозанатлаштирилган асосий кўрсаткичлари тизими ва унинг қўллаш самарадорлигини баҳолаш механизминини самарадорлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 134 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилингани, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизими муаммо сифатида ўрганилиб, олий таълим муассасасини стратегик бошқарув фаолиятини ташкил этишдаги ёндашувлар илмий-назарий таҳлил қилинган, олий таълим муассасаларининг бошқарув стратегияси билан ташкилий тузилмаларнинг ўзаро муносабати, моддий-техника базаси ва шарт-шароитларининг мослиги ҳолати баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи параграфида олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизими бўйича илмий-назарий адабиётлар таҳлил қилиниб, бошқарув тизимидаги асосий ёндашувлар, оператив ва стратегик бошқарув тизимининг асосий хусусиятлари, бошқарув жараёнининг тизимлари аниқланди.

Самарали иқтисодиёт – бу, аввало, самарали бошқарувдир. “Бошқарув” ва “менежмент” тушунчалари аҳамияти ва қўлланиши ҳозирги даврда мазмуни бўйича бир-бирига яқин, лекин айнан бир хил маъноли эмасдир. “Бошқарув” тушунчаси барча турдаги – техник, биологик, ижтимоий-иқтисодий ва шу каби тизимларга тааллуқли саналади. Замонавий “менежмент” тушунчаси эса фақат ижтимоий-иқтисодий тизимларга, яъни, мажбурий элементи бўлиб инсон ва унинг мақсадга қаратилган фаолияти ҳисобланадиган ташкилий тузилмаларга нисбатан қўлланади. Ҳозирги даврда ташкилот, ташкилий тузилмалар, таълим ташкилотларини бошқаришда “менежмент” тушунчаси кўпроқ қўлланади.

Бошқарув сифати ҳам фаолият натижаларини ҳам уларга эришиш йўллари ва воситаларини танлашни белгилаб беради. Ташкилот олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш учун яхши ташкил этилган ва ўзаро уйғунликдаги жамоа зарур, бунда унинг ҳар бир аъзоси ўз ишини билади ва уни бажаради, бир маромда, узлуксиз, узвийликни таъминлаган ҳолда ишлайди ҳамда юзага келган (прогностик) муаммоларнинг кўпини низоларсиз ҳал қилади, якуний натижалардан манфаатдор бўлади.

Кўпчилик ходимлар бошқарувни режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва ташкилий ресурслар устидан назорат юритиш воситасида ташкилот мақсадларига самарали ва натижадор равишда эришиш мумкин, деб билади. Бу функциялар ўзаро боғлиқ ва иккита умумий хусусиятларга эга: уларнинг барчаси


қарор қабул қилишни талаб этади ва қарор қабул қилишда уларнинг барчаси учун коммуникация, ахборот алмашинуви зарур бўлади.

Ахборот бошқарув жараёнининг ядроси, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос ҳисобланади. Бу қарорлар доимий ўзгариб турувчи турли технологиялар ёрдамида олиниши мумкин.

Диссертацион тадқиқот давомида шу нарса аниқландики, кўпчилик муаллифлар стратегик бошқарувни бешта ўзаро боғланган бошқарув жараёнлари – муҳитни таҳлил қилиш, миссияни ва мақсадларни аниқлаш, стратегияни танлаб олиш, стратегияни амалга ошириш, стратегияни амалга оширишни назорат қилиш ва баҳолаш каби жараёнларнинг динамик жамланмаси сифатида олиб қарайдилар. Улар шундай фикрда яхлит турадиларки, бунга кўра мазкур жараёнлар ўзаро боғлиқ ва барқарор қайтар алоқага эга бўлади.

Стратегик бошқарувнинг муҳитни таҳлил ва башорат қилиш жараёнини амалга ошириш раҳбариятни ахборот билан таъминлайди, ташкилотнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар рўйхатини тузиб чиқишга имкон беради ва мақсадлар, миссия ва стратегик қарорларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Исталган бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири ташкилотнинг муҳит билан ўзаро таъсири мувозанатини таъминлаб туриш ҳисобланади. Ҳар бир ташкилот учта жараёнга жалб этилади (1-расм).



1-расм. Ташкилотнинг муҳит билан ўзаро таъсирлашуви жараёни

Стратегик бошқарувдаги асосий жараёнларнинг умумлаштирилган хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи параграфида қуйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилди. Стратегик бошқарув ҳолатида олий таълим муассасасининг ички фаолиятини ташкил этишда ёндашувларнинг ташкилий тузилмаси, олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолашдаги ёндашувларнинг таққослама тавсифининг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди.

Замонавий, мураккаб ва динамик бозор муҳити олий таълим муассасаларидан ўз бошқарув тизимларини ва уларни ахборотли қўллаб-қувватлаш тизимларини доимий такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда ташкилот фаолиятини бошқаришга иккита асосий ёндашувдан фойдаланилади.

Тузилмавий ёндашувда бошқарув объектлари бўлиб маълум бир ихтисосликдаги ходимлар концентрациялашадиган бўлинмалар ҳисобланади. Бу бўлинмалар иерархияни ҳосил қилади, улар фаолиятининг сифати эса юқори турувчи орган томонидан баҳоланади.

Стратегик бошқарув жараёнлари

Жараён	Мақсад	Методлар ва воситалар
муҳитни таҳлил қилиш	Ташкилотга нисбатан ташқи муҳитда юзага келиши мумкин бўлган хавфлар ҳамда ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш	SWOT-таҳлил; муҳит профилини тузиш
миссияни ва мақсадларни аниқлаш	Ташкилотнинг фаолият юриртишидан манфаатдор бўлган ва ташкилот фаолияти хусусиятлари, мазмуни ва йўналишига таъсир кўрсатувчи турли ижтимоий институтлар ва шахслар гуруҳлари манфаатлари мувозанатини ўрнатиш	стейкхолдерлар таҳлили
стратегияни танлаб олиш	Ташкилотнинг бозордаги ҳолати билан боғлиқ бўлган асосий масалаларни ҳал қилиш ва ташкилот олдида турган вазифаларни ҳал қилиш воситаларини танлаб олиш	Томпсон ва Стрикленд матрицаси, бизнес портфели таҳлили
стратегияни амалга ошириш	Стратегияни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш	мувозанатлашган кўрсаткичлар тизими (МКТ)
стратегияни амалга оширишни назорат қилиш ва баҳолаш	Стратегияни амалга ошириш ташкилот мақсадларига эршишга қанчалик ёрдам беришини аниқлаш	Кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва стратегик назорат натижалари асосида тўғрилаш

Жараёнли ёндашувда эса ташкилот жараёнлари тузиб чиқилади ва турли хил бўлинмаларда уларнинг операциялари, ижрочилари орасидаги мажбуриятлар тақсимланади. Ишларни жараёнли гуруҳлаштириш исталган фаолиятни ташкилот ичида ёки ундан ташқарида истеъмолчи томонидан объектив равишда баҳоланиши мумкин бўлган натижани олишга йўналтиради.

Муаллифнинг фикрига кўра, замонавий шароитларда жараёнли ёндашув анча самарали саналади.

Олий таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга жараёнли-йўналтирилган ёндашув таълим тизимида ҳали кенг тарқалган ҳодиса бўлиб саналмайди лекин шунга қарамай, тадқиқотчилар олий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилишда ва баҳолашда айнан мана шу тамойилга риоя қиладилар.

Жараёнли-йўналтирилган ёндашув жараённи фаолиятнинг ўзаро барқарор, мақсадга қаратилган ўзаро боғланган турларининг жамланмаси сифатида олиб қараб, бу маълум бир технология бўйича истеъмолчи учун қадр-қимматга эга бўлган кириш ва чиқишларни ҳосил қилади.

Ташкилий тузилма доирасида бутун бошқарув жараёни (ахборотлар оқимининг ҳаракати ва бошқарув қарорларининг қабул қилиниши) давом этадиган бўлгани учун ташкилий тузилмага зарурий талаб бўлиб унинг ташкилот стратегияси билан ўзаро алоқадорлиги саналади.

Диссертациянинг учинчи параграфидида куйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилди. ОТМнинг такомиллаштирилган ташкилий тузилмаси, бўғинларнинг хусусиятлари, ташкилотдаги ваколатларнинг янги кўриниши, формаль ташкилий алоқаларнинг шаклланишлари келтирилган.

Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида олий таълим муассасаларининг фаолият юритиш шарт-шароитлари ҳам ўзгариб, улар ўз ривожланиш стратегияларини қайта қуриш ва бошқарувнинг замонавий методларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Таълим хизматларининг замонавий бозори динамиклигини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларига ташкилий инновацияларнинг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш учун мослашувчан мобил хусусиятга эга бўладиган бошқарувнинг органик тузилмасига асосланадиган ташкилий индивидуаллик зарур бўлади.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари**» деб номланган иккинчи бобидида ҳозирги замон таълим соҳасидидаги асосий йўналишлар, олий таълим муассасаларида стратегик бошқарувни ташкил этиш, олий таълим муассасаларининг стратегик бошқарув модели баён қилинган.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда таълим соҳаси устувор соҳалардан бири деб эълон қилинган. Бу соҳада давлат сиёсатининг асоси таълим тизимининг фаолиятини тартибга солувчи бош ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ифодаланган. Таълим мамлакатимиз ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ҳолда амалга оширилади.

Ҳар бир ривожланган ва демократик давлатда бўлганидек, бизнинг мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари Конституцияда мустақкамлаб қўйилган. Таълим соҳасида қонунчиликнинг вазифаси – бу фуқароларнинг мана шу ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва стратегияси, унинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаш, таълим соҳасидидаги давлат ҳокимияти органлари ва турли даражалардаги таълимни бошқариш органлари орасидидаги компетенциялар чегараларини белгилашдан иборатдир.

Барча поғоналардаги таълим мазмунига ва сифатига қўйилган талаблар давлат таълим стандартлари билан белгиланади. Давлат таълим стандарти (ДТС) – мамлакат конституциясига мос ҳолда ишлаб чиқиладиган ва жорий этиладиган маълумотлилик ва таълимнинг ижтимоий меъёри бўлиб, у ўз ичига бир қанча компонентларни олади. ДТС компонентлари асосий таълим дастурларининг мазмунидаги мажбурий минимумни, таълим олувчиларнинг ўқув юкласидаги максимал ҳажмни, битирувчиларни тайёрлаш даражасига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Миллий таълим тизимининг асосий ўзига хослиги бўлиб унинг кўп даражалилиги саналади. Ҳар бир фуқаро учун унинг деярли туғилишидан

бошлаб то кексалик даврларигача мактабгача таълим, умумий таълим (бошланғич, асосий, ўрта), касбий таълим (бошланғич, ўрта, олий), кўшимча таълим ҳамда олий таълим муассасамидан кейинги касбий таълим (докторантура, малака ошириш ва қайта тайёргарлик) поғоналарида босқичма-босқич билим олиши кафолатланади.

Шундай қилиб, давлат узлуксиз таълимни – “бутун умр бўйича” таълим олиш тамойилини амалга оширади.

Учинчи минг йилликка ўтиш даврида рўй бераётган ислохотларнинг катта тўлқини давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим соҳаси модернизациялаш жараёнларини бошидан кечирмоқда. Таълимни модернизациялашнинг бош мақсади таълим тизимини барқарор ривожлантириб бориш механизминини яратиш, миллий маориф тизимининг энг яхши анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, мамлакатимиз миллий таълим тизимининг халқаро таълим тизимига интеграциялаш ва унда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини таъминлашдан иборатдир.

Учинчи минг йилликка ўтиш даврида ҳар бир мамлакат Болонья Декларациясига ихтиёрий тарзда қўшилади. Бу декларацияни имзолаш билан улар ўз зиммаларига маълум бир мажбуриятларни олиб, бу мажбуриятлар мажбурий, тавсиявий ва факультатив хусусиятларга эга бўлади. Болонья декларациясига қўшилган мамлакатлар Болонья жараёнининг асосий талабларига мос ҳолда миллий таълим тизимларини ислох қилишлари лозим бўлади.

Стратегия – бу белгиланган бошқарув мақсадларига эришиш ва танлаб олинган мезонлар (кўрсаткичлар) асосида ресурсларни самарали тақсимлаш учун зарур бўладиган ҳаракатларнинг умумлаштирилган модели.

Стратегик бошқарув субъектда бешта маҳоратнинг мавжудлигини кўзда тутиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади: вазиятни моделлаштириш (муаммони белгилаш); зарурий ўзгаришларни аниқлаш (мақсадларни шакллантириш); ўзгаришлар стратегиясини (таянч стратегияларни) ишлаб чиқиш; таъсир кўрсатишнинг турли усулларида фойдаланиш (стратегияни жорий қилиш ва амалга ошириш); стратегияга тузатишлар киритиш (ўзгаришларни бошқариш).

XXI асрда олий таълим муассасаларининг стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати бир қатор ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан изоҳланади. Улар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

талабчанлик – фуқароларнинг даромадлар ошиши ва таълим муассасаларини танлаб олиш эркинлигининг кенгайиши натижасида таълим хизматлари сифатига бўлган талаблар даражасининг ортиши;

инновационлик – таълим хизматларини тақдим этишнинг техник, методик ва ташкилий имкониятларининг (мультимедиа, Интернет, масофавий таълим) сезиларли даражада яхшиланиши;

динамиклик – товарнинг ҳаётий цикли қисқаришига боғлиқ ҳолда янги таълим хизматларини жорий қилиш муддатларининг қисқартирилишига йўналтирилганлик;

диверсификация – таълим хизматлари турлари ва даражаларига талабнинг кенгайиши, таълим жараёнига йўлдош бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи фаолият соҳаларининг (автомактаб, ётоқхона, маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) ривожланиши;

дифференциациялашув – бозорнинг либераллашуви шароитларида таълим хизматлари ассориментининг сезиларли равишда ортишини шартлайдиган аҳоли эҳтиёжлари хилма-хиллигининг ортиб бориши;

рақобат – таълим муассасаларининг бозордаги ўз сегменти, ўзининг потенциал ўқувчилари контингенти учун кураши, рақобатчиларнинг фаоллашувига боғлиқ ҳолда реклама харажатларининг ҳажми ва аҳамиятининг ортиши, 1-20 йилдан кейин мутахассисларни ортиқча тайёрлаб юбориш;

талаб аритмияси – таълим муассасалари ҳолатининг барқарорлигига хавф туғдирувчи таълим хизматлари бозоридаги истеъмолчилар талабининг тебранишлари (масалан, айрим мутахассисликларга талабнинг кескин пасайиб кетиши);

талабнинг тушиши – ўқувчилар сонининг камайиши ва паст даромад олувчилар контингентининг ортиши ҳисобига таълим хизматларини тақдим этувчилар учун сезиларли бўладиган талабнинг қисқариши;

интервенция – чет элда таълим олиш учун чекловларнинг бартараф этилиши ва таъминоти яхши бўлган аҳоли қатламлари учун сифатли хизматларнинг янги бозорлари очилиши билан боғлиқ ҳолда йирик хорижий университетлар томонидан халқаро рақобат курашининг олиб борилиши.


Олий таълим муассасаларининг стратегик бошқарувга эҳтиёжлари уларнинг ўз фаолиятини аниқ белгиланган концептуал асосларга таянган ҳолда олиб бориш, тақдим этилаётган хизматларнинг ҳажми, тузилмаси, дастурлари ва турларини кўриб чиқишни талаб этувчи ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашиш зарурати билан шартланади.

Стратегик бошқарувда таълимнинг бош вазифаси – таълимнинг фундаменталлигини сақлаб қолиш асосида унинг замонавий сифатини ва шахс, жамият ҳамда давлатнинг долзарб ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларига мослигини таъминлашга йўналтирилади. Улар ҳар бир олий таълим муассасасида мавжуд бўлиши ва бизнинг фикримизча, алоҳида назарий асослаб беришни талаб қилмайди.

Бошқарув қуйи тизимлари таркиби олий таълим муассасасини бошқариш функциялари таснифлагичи асосида ва эксперт методи билан белгиланди.

Диагностик таҳлил. Бу босқичда олий таълим муассасасининг оҳирги 5 ёки 10 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати, унинг таълим тизимида ва минтақада тутган ўрнини аниқлаш мақсадида мажмуавий тизимли таҳлил, бошқарув мақсадлари ва мезонлари таҳлили, бошқарув муаммоларини ранжирлаш, STEEP ва SWOT таҳлил методлари ёрдамида ташқи ва ички муҳит тадқиқи, олий таълим муассасасининг рақобатдаги устунликларини аниқлаш ҳамда ривожланишнинг стратегик устуворликларни танлаб олиш амалга оширилади.

Қуйида таълим муассасасининг стратегик бошқарув жараёни модели берилган (2-расм).



2-расм. Таълим муассасасининг стратегик бошқарув жараёни модели

Диссертациянинг «Олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув бўйича тажриба-синов ишлари ва таҳлили» деб номланган учинчи бобида Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик статистик таҳлили ёритилган.

Олий таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда ташкил этилди.

1. Ўрганувчи босқич (2018-2019 ўқув йили).
2. Асословчи босқич (2019 -2020 ўқув йили).
3. Таъкидловчи босқич (2020-2021 ўқув йили).


Ўрганувчи босқичнинг (2018-2019 йиллар) асосий мақсади олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан рейтингни аниқлаш мезонларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг индикаторларини таҳлил қилишдан иборат бўлди. Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- рейтингни аниқловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- кўрсаткичлар индикаторларини аниқлаш ва уларни ажратиш;
- баҳолаш методологияси ва унинг ўлчовларини таҳлил қилиш;
- ҳар бир кўрсаткичлар асосида ҳисоблаш формулаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Тажриба ва назорат гуруҳларида жами 161 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этди. Шундан тажриба гуруҳларига 80 нафар ҳамда назорат гуруҳларига 81 нафар профессор-ўқитувчи танлаб олинди.


Шунингдек, тажриба-синов ишларида олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган фанни ўқитиш бўйича талабалар ўртасида ҳам натижалар олинди. Бунда юқорида танлаб олинган ОТМларидан 372 нафар талаба иштирок этди. Бу талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилиб, уларда мос равишда 187 ва 185 нафар талаба иштироки таъминланди.

Тошкент давлат педагогика университетида профессор-ўқитувчилар иштирокида тажриба-синов ишлари олиб борилди (3-расм).




3-расм. Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчиларининг фаолият кўрсаткичлари

Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари иштирок этган тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди (4-расм).




4-расм. Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчиларининг фаолият кўрсаткичлари

Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари ўз иш фаолиятлари ҳам бўйича тажриба-синовда иштирок этди ва қуйидаги натижаларга эришди (5-расм).



5-расм. Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчиларининг фаолият кўрсаткичлари

Юқоридаги 3, 4, 5-расмларда тажриба-синов ишлари олиб борилган ҳар бир таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўзлаштириш даражалари ва уларнинг таҳлилларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шулардан келиб чиқиб, таҳлил натижаларини умумлаштириб, умумий хулосага келамиз (6-расм).



6-расм. ОТМлар бўйича профессор-ўқитувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

ОТМ профессор-ўқитувчилари ўз иш фаолияти бўйича тажриба-синов ишларида ишлаб чиқилган методика самарадорлигининг миқдорий мезонлари танланди ҳамда Стъудент мезони ёрдамида таҳлил қилинди.

Тадқиқотимиз натижасида, барча тажриба-синов майдончалари сифатида танлаб олинган ОТМда тажриба-синов ишлари ниҳоясида тажриба гуруҳидаги профессор-ўқитувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 1,16 марта (16%) юқори экани аниқланди. Талабаларда эса бу кўрсаткич 1,14 марта (14%) юқори бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканини кўрсатади.

ХУЛОСА

Диссертация ишида белгиланган мақсадлар доирасида олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлилигини оширишга йўналтирилган стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича назарий қоидаларнинг ривожланишини тадқиқ қилиш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, белгиланган вазифаларнинг ҳал қилиниши бўйича ўтказилган тадқиқот қуйидаги асосий хулосаларни чиқаришга имкон берди.

1. Олий таълим муассасаларида стратегик бошқарув тизими бўйича илмий-назарий адабиётлар таҳлил қилиниб, бошқарув тизимидаги асосий ёндашувлар, оператив ва стратегик бошқарув тизимининг асосий хусусиятлари, бошқарув жараёнининг тизимлари аниқланган.

2. Стратегик бошқарув ҳолатида олий таълим муассасасининг ички фаолиятини ташкил этишда ёндашувларнинг ташкилий тузилмаси, олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолашдаги ёндашувларнинг муаллифлик таърифлари, таққослама тавсифи ишлаб чиқилган.

3. ОТМнинг такомиллаштирилган ташкилий тузилмаси, бўғинларнинг хусусиятлари, ташкилотдаги ваколатларнинг янги кўриниши, формал ташкилий алоқаларнинг шаклланиши келтирилган.

4. Ҳозирги замонда энг устувор йўналишлар сифатида таълим мазмуни ва моҳиятини такомиллаштириш, унинг хизматлари сифатини таъминлаш тизимини ривожлантириш, иқтисодий механизмларни бошқариш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш белгиланган.

5. ОТМларнинг давлат дастуридаги стратегик бошқариш концепциялари келтирилган ҳамда стратегик бошқариш бошқичлари, стратегик режалаштириш, стратегик моделлар, бошқариш мезонлари ишлаб чиқилган.

6. ОТМнинг стратегик ривожланишини бошқариш механизмлари, стратегик бошқарувни ривожлантириш механизмлари, шакллантирилган стратегик бошқарув жараёни модели асосида такомиллаштирилган.

7. ОТМларда стратегик бошқарув бўйича тажриба-синов ишлари мақсад ва вазифаларини ташкил этиш бошқичлари, баҳолаш мезонлари, ўзлаштириш кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган.

8. ОТМларда профессор-ўқитувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари самарадорлиги 16% ва талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари самарадорлиги 14 %га ошгани стратегик бошқарув бўйича тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили, математик ҳисоб-китоблар ҳамда Стъудент мезони асосида исботланган.

Олий таълим муассасаларининг стратегик хулқ-атвор моделлари таҳлили стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди ва мана шу асосда қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди:

ушбу тадқиқот ишидан ОТМ профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўз илмий ишларида фойдаланишлари;

олий таълим муассасасидаги жараёнларни бошқарув жараёнларига, асосий жараёнларга ва ёрдамчи жараёнларга ажратиш ва градациялаш моделини такомиллаштириш;

тадқиқот ишидан стратегик бошқарув бўйича давлат дастурларини шакллантиришда манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ШАМУРАТОВ РУСТАМ ШАХАКИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ СТРАТЕГИЧЕСКОГО
УПРАВЛЕНИЯ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

13.00.07 – Менеджмент в образовании

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.1.PhD/Ped2367.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Халиков Аъзам Абдусаломович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Садиев Валижон Алижонович
доктор философии по педагогическим наукам
(PhD)

Ведущая организация: Джизакский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2023 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2020. Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2023 года).

З.Мамаражабова
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.п.н., доцент

С.С.Булатов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире образование признано в качестве основной движущей силы развития, важнейшим видом деятельности, и внедряются в практику механизмы, позволяющие совершенствовать процесс управления образованием и оценивать его качество, определять достигнутые результаты. Поэтапно реализуются работы по разработке прикладных проектов в области формирования в образовательных учреждениях необходимых компетенций руководящих кадров для инновационного управления высшим образовательным учреждением, совершенствованию системы их переподготовки и повышения квалификации.

В научно-исследовательских и образовательных учреждениях мира особое внимание обращается научным исследованиям в области взаимосвязи стратегического менеджмента, соответствующего функциям руководителей и работников системы управления, совершенствованию теоретических основ и научно-методического обеспечения управляемых процессов, наблюдению и мониторингу современного инновационного развития образования.

В Узбекистане создаются нормативные основы установления динамичного равновесия, позволяющего решать проблемы сторон заинтересованных в деятельности организации, совершенствование системы стратегического управления, анализа среды, определения миссии и целей, выбора и реализации стратегии. На сегодняшний день в нашей стране проводятся масштабные работы в соответствие с приоритетными задачами по коренному реформированию системы высшего образования, социально-экономического развития с целью создания условий для пересмотра системы стратегического управления в высших образовательных учреждениях, подготовки специалистов высшей квалификации на уровне международных стандартов. В Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года определены меры совершенствования системы управления системой высшего образования наряду с качественным ей управлением, а также укреплению и модернизации материально-технической базы, обеспечению современными учебно-научными лабораториями, информационно-коммуникационными технологиями высших образовательных учреждений.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года, №УП-165 “Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы” от 6 июля 2022 года, №УП-5763 “О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования” от 11 июля 2022 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3151 “О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием” от 27 июля 2017

года, №ПП-3755 “О мерах по созданию современной системы отбора на конкурсной основе перспективных управленческих кадров” от 30 мая 2018 года, №ПП-60 “О дополнительных мерах по обеспечению академической и организационно-управленческой самостоятельности государственных высших образовательных учреждений” от 24 декабря 2021 года, в докладе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева о Стратегии развития нового Узбекистана на видеоселлекторном совещании от 26 января 2022 года а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, посвященные содержанию управления образовательными учреждениями нашей республики, подготовке и переподготовке управленческих кадров образовательных учреждений и системы непрерывного образования, интеграции менеджмента системы образования и функционального менеджмента проводили У.Бегимкулов, У.Иноятов, Я.Исмадияров, Р.Ахлидинов, Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, Қ.Шодмонов, С.Тургунов, А.Хужаев, М.Нигматов, В.Садиев, Р.Джураев, М.Юлдашев и др.

Следует особо подчеркнуть значение в развитии современного менеджмента работ таких исследователей, как В.Веснин, О.Виханский, А.Гапоненко, Л.Зайцев, Т.Зуб, И.Мазур, Б.Мильнер, А.Панкрухин, С.Попов, А.Поршнева, А.Пригожий, Н.Саломатина, М.Соколова, Р.Фатхутдинов, М.Шифрин. Вопросы стратегического управления в организациях высшего образования освещены в научно-исследовательских работах А.Егоршина, С.Резника и др.

Теоретические и практические проблемы стратегического управления в системе высшего образования исследованы в научных работах зарубежных ученых, как М.Альберт, И.Ансофф, Д.Шендель, Р.Дафт, П.Друкер, Р.Каплан, П.Нивен, Д.Нортон, Ф.Котлер, М.Мескон, А.Стрикленд, А.Томпсон, Д.Траут, Д.Хасси, Ф.Хедоури.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательской работы высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта ПЗ-20170923121 – “Развитие педагогической деятельности в образовательных учреждениях на основе педагогики сотрудничества” (2017-2020 гг.) научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

Целью исследования является разработка рекомендаций по совершенствованию системы стратегического управления в высших образовательных учреждениях (ВОУ).

Задачи исследования:

проанализировать педагогические возможности управления качеством образования в ВОУ в соответствии с основными направлениями государственной политики в сфере образования;

совершенствовать модель тенденций развития системы высшего образования и стратегического развития высших образовательных учреждений;

совершенствовать алгоритм проектирования системы стратегического управления деятельностью ВОУ, предполагающей системный подход;

проанализировать и систематизировать накопленный опыт в сфере стратегического управления.

Объектом исследования является процесс совершенствования системы стратегического управления в высших образовательных учреждениях, к экспериментальной работе привлечен 161 профессор-преподаватель и 372 студента Ташкентского государственного педагогического университета, Бухарского государственного университета и Ферганского государственного университета.

Предметом исследования является формы, методы и средства совершенствования системы стратегического управления в высших образовательных учреждениях.

Методы исследования. в исследовании применялись методы сопоставительного анализа, педагогический эксперимент, педагогического наблюдения, анкетирования, тестирования, педагогический мониторинг, социометрические методы и методы математической статистики.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

усовершенствованы на основе стратегической гармонизации творческого потенциала, направленного на систему срочных действий, изменения во внешней среде и интересах субъектов, с принципами дидактической цели методы стратегического управления высшим образовательным учреждением;

усовершенствована на основе взаимной адаптивной интеграции видов учебной деятельности неизменно-иерархического характера, целей, теоретических основ, уровней, этапов, с стратегических инициатив, а также показателей эффективности образования, направленных на достижение долгосрочных результатов в образовании модель управления высшими образовательными учреждениями;

усовершенствовано на основе оценки стейкхолдеров, градации отношений между наукой, образованием и производством, поэтапного введения стратегических инициатив субъектов образовательного процесса по инновациям и информатизации стратегическое управление высшим образовательным учреждением;

усовершенствован на основе непрерывного и динамичного включения индикаторов оценки стратегического планирования, человеческих ресурсов, внешней и внутренней стратегической деятельности маркетинговой и

финансовой инфраструктуры алгоритм процесса управления высшим образовательным учреждением.

Практические результаты исследования состоят в следующем:

внедрены занятия по созданию здоровой и творческой среды. Формированы общенациональные компетенции и знаний, повышению профессионального мастерства в развитии менеджерских качеств в системе управления высшими образовательными учреждениями;

на основе применения, исходя из требований сегодняшнего дня, передовых и современных методов управления образованием, творческих подходов, создания творческой среды, повышения качества образования усовершенствованы организационно-управленческие механизмы;

повышена эффективность процессов создания здоровой творческой среды в управленческой деятельности руководителей высших образовательных учреждений.

